# МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — ЁШЛАРНИНГ МАРДЛИК, МАТОНАТ ВА ЖАСОРАТ МАКТАБИДИР


1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

# YOSHLAR OVOZI

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

2018-YIL 13-YANVAR, SHANBA

5 (16163)

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

МАХСУС СОН


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Қадрли ватандошлар!

Сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу қутлуғ сана мамлакатимизда ватанпарварлик, она юртга садоқат, мардлик ва жасурлик каби эзгу қадриятларни, халқимизга, буюк аждодларимизнинг муносиб ворисларига хос бўлган юксак фуқаролик фазилатларини ўзида мужассам этадиган том маънодаги умумхалқ байрамига айланди.

Ҳозирги кунда дунёда олдиндан айтиш қийин бўлган вазият ҳукм сураётган мураккаб бир шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, биз 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича қабул қилган Ҳаракатлар стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири сифатида белгиладик.

Ушбу Стратегия асосида биз ўтган йил давомида мамлакатимиз ҳаётининг бошқа тармоқлари қаторида ҳарбий қурилиш соҳасида кўпгина энг долзарб ва муҳим масалалар бўйича аниқ чора-тадбир ва ҳаракатларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилдик, уларни амалга ошириш бўйича ишларни самарали ташкил этдик.

Шу тариқа қисқа вақт мобайнида аниқ натижаларга эришдик, Қуролли Кучларимизнинг келгусидаги қиёфасини белгилаб берадиган стратегик тамойиллар ва ана шу мақсадга эришишга қаратилган кенг кўламли комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик.

Аввало, ташқи сиёсатимизнинг мослашувчанлиги ва очиқлиги, қўшниларимиз билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитетини сақлаш энг устувор вазифа экани ҳақидаги принциплар асосида Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси янгиланган ҳолда қабул қилинди.

2017 йилда Миллий гвардия ва Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ташкил этилди, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, уларни босқичма-босқич замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасида жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ролини ошириш бўйича ишлар бутунлай янги сифат босқичига кўтарилди.

Ҳар бир ҳудудда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди, уларга бевосита раҳбарлик қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари зиммасига юкланди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида мустаҳкам ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ватанпарварлик тарбияси соҳасида моҳият эътиборига кўра ноёб тизим яратилиб, унинг доирасига мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари қамраб олинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва Қуролли Кучлар тизимида унинг бирламчи тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши мамлакатимизда ёш авлод манфаатларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган давлат сиёсати самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизнинг мантиқий давоми бўлди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича ўзининг кўлами ва миқёсига кўра мисли кўрилмаган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳудудларимизда узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар бериш асосида кўп қаватли уй-жойлар босқичма-босқич барпо этилмоқда. Биз бу ишларни доимий равишда давом эттирамиз.

Қадрли дўстлар!

Амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз, армия ва халқнинг фаол ҳамкорлиги натижасида Қуролли Кучларимиз том маънода жамиятнинг ажралмас қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг ишончли кафолатига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланиб бормоқда.

Айни вақтда халқаро терроризм ва экстремизм хавфининг тобора ортиб бораётгани, дунёнинг айрим минтақаларида қуролли тўқнашувлар давом этаётгани, таҳликали вазият сақланиб қолаётгани Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига таҳдид солмасдан қолмайди, албатта. Буларнинг барчаси олдимизда пайдо бўлаётган таҳдид ва хатарларга муносиб зарба беришга доимо тайёр бўлишни талаб этади.

Шу муносабат билан Қуролли Кучларни янада ривожлантириш, унинг жанговар тайёргарлиги ва қобилиятини ошириш доимо эътиборимиз марказида бўлади ва давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади. Биз ана шу вазифаларни амалга оширишда Қуролли Кучлар, ҳарбий округлар қўмондонлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг фаол позициясига таянамиз.

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Мана шу байрам кунида сизларнинг жанговар меҳнатингиз ўтган йиллар давомида Қуролли Кучларимизнинг обрўйи ва нуфузини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилганини алоҳида таъкидлашни зарур, деб биламан.

Айнан сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан Ўзбекистон миллий армияси жадал ривожланмоқда, унинг жанговар қобилияти ва тайёргарлиги изчил ошиб бормоқда, мамлакатимизнинг мудофаа қудрати мустаҳкамланмоқда, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти таъминланмоқда.

Сиз, азизларни ҳамда оила аъзоларингизни Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор самимий табриклайман.

Жонажон Ватанимизни ҳимоя қилишдек ғоят шарафли ва масъулиятли вазифани адо этишда барчангизга катта ютуқлар, оилавий бахт-саодат тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Суннатов Ихтиер Хикматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Шариксиев Бадритдин Усманович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи

**II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Атаджанов Алишер Олимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Розметов Шерзат Тургунбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири

**Турсоатов Содиқ Худоёр ўғли** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси юридик таъминлаш бўлинмаси катта юрисконсульти

**Ханикулов Уктамжон Валиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм батальон командири

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Прокудин Николай Павлович** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси техника ва қурол-аслаҳа бўлими бошлиғи

**Сальников Андрей Александрович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Эксперт-криминалистика маркази бош эксперти

**«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдукадиров Вали Абдукахарович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази қутқарувчиси

**Бекназаров Ислам Сарсенбаевич** — Тошкент шаҳар Миробод тумани ички ишлар бошқармаси профилактика инспектори

**Курбанов Исмоил Худайназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Мансуров Махмуджон Рахимович** — Андижон вилояти Андижон шаҳар ички ишлар бошқармаси қўриқлаш бўлими сафдор ходими

**Тулабоев Зухриддин Зокиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

**Хужаахматов Азизбек Одилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Шамшидинов Абдурашид Юлдашбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командири

**Юсупов Алишер Анварович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси ҳайдовчи-ходими

**(Давоми 2-саҳифада)**

## САМАРАЛИ ТАШҚИ СИЁСАТ — ИСЛОҲОТЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 11 январь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари фаолияти таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони вакиллари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, вилоятлар ҳокимлари, Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар раҳбар ходимлари иштирок этди.

Қайд этилганидек, ўтган давр мобайнида чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш, хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга эришилди.

"Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё — бош устувор йўналиш" тамойили изчил ҳаётга татбиқ этилиши минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратиш, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқаларни мустаҳкамлаш имконини берди. Шу асосда сувдан оқилона фойдаланиш, чегара, транспорт қатновини қайта тиклаш ва кенгайтириш каби кўплаб нозик масалаларга ечим топилди.

Россия ва бошқа МДҲ мамлакатлари, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Европа ва Осиёдаги бир қатор давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик сезиларли даражада мустаҳкамланди. БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ, ИҲТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Тошкент шаҳрида Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг офиси қайта иш бошлади. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестициялари банки билан ҳамкорликни янгича асосда йўлга қўйилди.

2017 йилда 200 дан ортиқ халқаро шартномалар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида қиймати қарийб 60 миллиард АҚШ долларига тенг келишув ва битимлар имзоланди.

Бундай салмоқли ишларда Ташқи ишлар вазирлиги ҳам муҳим ўрин тутгани таъкидланди.

Йиғилишда Ташқи ишлар вазирлиги, унинг муассасалари, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг 2017 йилдаги фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, 2018 йил ва яқин истиқболдаги устувор вазифалари белгилаб олинди.

Президентимиз Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида Ташқи ишлар вазирлигининг барча йўналишлардаги фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш зарурлигини таъкидлади. Бунда, аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш, мамлакатимиз саноати ва инфратузилмаларини модернизация қилиш учун хорижий инвестициялар, илғор технологиялар ҳамда илм-фан ютуқларини фаол жалб этиш, юртимизга сайёҳлар оқимини кенгайтириш бўйича тизимли иш олиб бориш керак. Элчилар ва барча даражадаги дипломатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг янги босқичида фаол қатнашишлари лозим.

Шавкат Мирзиёев хорижий давлатлардаги элчилар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш, вазирлик ва унга қарашли муассасалар ташкилий-штат тузилмасини такомиллаштириш, соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш зарурлигига эътибор қаратди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов бошчилигидаги Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари фаолиятини танқидий ўрганиш ҳамда тубдан такомиллаштириш бўйича комиссия Ташқи ишлар вазирлиги тизимидаги ҳар бир ходимнинг ишига холис баҳо бериши, мавжуд камчиликларни таҳлил қилиб, уларни бартараф этишга оид аниқ таклифлар киритиши лозим бўлади.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## ОБОД ВА ОЗОД ВАТАНИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНЛАРИ

*Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 12 январь куни Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 26 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.*



Бу ерга сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари таклиф қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригини Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов ўқиб эшиттирди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов фармони билан 1991 йил 6 сентябрь куни Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилган. Буюк Юртбошимизнинг 1992 йил 14 январдаги қарорига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тасарруфига ўтказилган.

Ана шу тарихий кун — 14 январь мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

**(Давоми 2-саҳифада)**

YUKSALISH

## ПРЕСС-ХОЛЛДА ИЛК АНЖУМАН

**Жавлон ВАФОЕВ**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати қошида пресс-холл ташкил этилди.*

Янги тузилманинг миссияси мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қабул қилинган фармон ва қарорлар ҳамда уларнинг ижроси юзасидан аҳолини хабардор этишдан иборат.

Кеча пресс-холлда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришга йўналтирилган дастурларни шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий қилишга бағишланган илк матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Суҳроб Холмуродов иштирок этиб, журналистларнинг саволларига жавоб берди.

www.yoshlarovozi.uz
yoshlarovozi@umail.uz

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI YOSHLAR OVOZI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Бошланиши 1-саҳифада)*

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Азимов Шухратбек Санжар ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Албеков Улуғбек Авазович (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси гуруҳининг чегара пости мутахассиси

**Амонов Ўктамхўжа Олимович** — Навоий вилояти Навоий шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Астанов Ойбек Уктамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командири

**Бегимкулов Воҳид Хўжаевич** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими

**Дурдиев Эркинбай Утамуратович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дусткулов Махаматсоли Махаматсодикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командири

**Исмаилов Камал Липиллаевич** — Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими бошлиғи

**Каримов Фаррух Нишонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қодиров Муминжон Мамирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взводи мутахассиси

**Мадаминов Абдулхамид Марифжон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

**Мамарасулов Сардор Эшмамат ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

**Муродов Мансур Мамаражабович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мухидинов Даврон Рахимджанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нарзиев Руслан Холматович (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси взвод мутахассиси

**Нуриддинов Ғолиб Буриевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Олимов Козимжон Нозимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинма бошлиғи

**Отамуродов Умид Хабибович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взвод командири

**Рахимбаев Пулат Комилович** — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ички ишлар бўлими қўриқлаш бўлими сафдор ходими

**Рахимкулов Мухторжон Муротжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

**Рахматов Умид Ахмадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Турдиев Уйғун Рахматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Убайдуллаев Қутбиддин Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хайткулов Сиражиддин Суннатиллаевич** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Ангрен шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Халиков Тулкин Тургунович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Халимбетов Рашиджон Бахтиярович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хидиров Алимардон Авлокулович** — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Шаҳрисабз шаҳар қутқарув отряди қутқарувчиси

**Холматов Шавкат Шухратович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Шадманов Алибек Абдухакимович (марҳум)** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Каттақўрғон тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта ёнғин ўчирувчиси

**Юсупов Хусан Бахтиярович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Гулистон шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта техниги

**«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуллаев Акбарали Эркинович** — Наманган вилояти Наманган тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Авазов Қудратжон Абдугаффорович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Амиров Нодир Ускун ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси звено командири

**Атаджанов Умидбек Багибекович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида батальон командири

**Ахмедов Азлар Муратович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жураев Рустам Абдурайимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командирининг ўринбосари

**Каримов Дилшодбек Толибжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти батальони командири

**Кучаров Бахриддин Иззатуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлим бошлиғи

**Мамарасулов Шухрат Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари

**Махрамов Хусен Кувандикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Машрабов Иброхим Муминович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган автомобиль мактабининг ўқув-ишлаб чиқариш катта устаси

**Метинов Дилшоджон Мухамаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ штаби бўлим бошлиғи

**Нoралиев Хамиджон Жумабоевич** — Андижон вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди қутқарувчиси

**Норкулов Рустам Орифович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қутқарув кучлари бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Нуридинов Азамат Абдулазизович** — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

**Омонов Мансур Ражабович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сабиров Эркабой Эркинбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти кафедра бошлиғи

**Саноев Султон Сулаймонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби хизмат бошлиғи

**Сиражов Жахонгир Иброгимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари

**Солиев Жахонгир Ташпулатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ катта мутахассиси

**Темиров Рахматжон Собирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командири

**Тожибаев Искандар Алижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм пост бошлиғи

**Умаров Мухиддин Муйсинович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси цикл бошлиғи

**Умматов Саиджон Абдурахмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

**Худойназаров Хуршид Халимназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизион командири

**Шакаров Баходир Эргашович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдугаффаров Умиджон Хайруллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдуллаев Жасурбек Муродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи секция командири

**Акбарова Елена Николаевна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлим мудираси

**Алпонов Муҳаммади Нормурод ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взвод назоратчиси

**Бахриев Голиб Абдушукурович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони батарея командири

**Бойдадаев Шавкатжон Ғуломович** — Фарғона вилояти Марғилон шаҳар ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Бомуродов Муҳиддин Атобоевич** — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди фельдшер-қутқарувчиси

**Гайбуллаев Толиб Тошмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Гребенюк Владимир Анатольевич** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги хизмат бошлиғи

**Жумабаев Фарходжон Пазилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

**Жураев Шербек Рахматиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

**Имомалиев Бахром Хасанбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизиони батарея катта техниги

**Камолов Авазбек Абдирахимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи секция командири

**Косимов Жамолиддин Абдухалилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи секция командири

**Мавлонов Камолиддин Бобарахматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мамадалиев Ойбек Асилжонович** — Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди гуруҳ командири

**Маннанов Рустам Уктамович** — Сирдарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси етакчи мутахассиси

**Махмудов Шафоат Тулкинбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Назаров Зариф Озодович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командирининг ўринбосари

**Нишонов Ахрорбек Акбаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Орипов Акрам Фозилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди взвод командирининг ёрдамчиси

**Пардаева Элзара Эргашевна** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси тиббиёт пункти фельдшери

**Ражабов Заир Закиралиевич** — Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ички ишлар бошқармаси техник қўриқлаш пункти сафдор ходими

**Раимов Абдурасул Абдувалиевич** — Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди гуруҳ қутқарувчиси

**Раимов Илес Фармонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

**Сафаров Отабек Насиллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сулейманов Антон Олегович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм цехи мутахассиси

**Умаров Мухаммад** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони гуруҳ катта механиги

**Утапулатов Алимардон Турамуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Хамзаев Нодир Баходирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Хужамуродов Абдижалол Абдукахорович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

**Шарипов Гуломжон Пармоналиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизиони батарея катта техниги

**Шарифбоев Отабек Шухратович** — Давлат божхона қўмитаси Андижон вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Яхшибоев Илхом Абриевич** — Самарқанд ҳарбий академик лицейи ўқитувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 12 январь*

# САМАРАЛИ ТАШҚИ СИЁСАТ – ИСЛОҲОТЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

*(Бошланиши 1-саҳифада)*

Ташқи ишлар вазирлиги тузилмасида ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортни қўллаб-қувватлаш ва инвестициялар жалб этиш, туризмни ривожлантириш, ҳукуматлараро комиссиялар фаолиятини котибият сифатида мувофиқлаштириш, хориждаги ватандошларимиз ва фуқароларимиз билан ишлаш бўйича ихтисослашган бўлинмалар ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди. Йиғилишда бугун қўйилаётган вазифалар дипломатик хизматни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг самарали тизимини шакллантиришни талаб қилаётгани ҳам қайд этилди.

Мамлакатимизнинг хориждаги ҳар бир дипломатик муассасаси амалий фаолияти атрофлича кўриб чиқилди ва танқидий баҳоланди, яқин истиқболда ташқи сиёсий фаолият юритишнинг аниқ йўналишлари белгилаб берилди.

Президентимиз ҳар бир элчихонага мамлакатимизнинг муайян ҳудуди ва иқтисодиёт тармоғини бириктириш таклифини билдирди. Энди ҳар бир элчи иш кунини ўзига бириктирилган ҳудуд ҳокими ва тармоқ раҳбари билан телефон орқали мулоқот қилишдан бошлайди. Экспорт ва туризмни ривожлантириш, бизнес кооперациясини кучайтириш бўйича аниқ инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар тезкор ҳал қилинади.

Ўз навбатида, вилоят ҳокимлари шаҳарсозлик ва ҳудудларни ободонлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, замонавий ахборот технологиялари, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида бир йилда камида икки марта тегишли мамлакатларга хизмат сафарига бориши шарт.

Йиғилишда, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг дипломатик миссияларининг дахлдор вазирлик ҳамда идоралар, маҳаллий ижро органлари билан ўзаро идоралараро муносабатларининг аниқ ва самарали тизимини шакллантириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз тизимли ва аниқ тарғибот-ташвиқот ишлари, айниқса, хорижий мамлакатларда йўлга қўйилмаганини танқид қилди. Хорижий шерикларимиз ҳалигача юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислоҳотлар, ички ва ташқи сиёсатимизнинг устувор жиҳатлари, бизнес ва инвестиция учун яратилаётган қулай, янги шарт-шароитлар ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслар, деди давлатимиз раҳбари.

Шу муносабат билан Президентимиз "Жаҳон" ахборот агентлиги негизида ёш, салоҳиятли мутахассисларни жалб қилган ҳолда, энг илғор техникалар билан жиҳозланган замонавий медиа-марказ ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги марказий аппаратида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўйича алоҳида тузилма ташкил қилишни таклиф этди.

Йиғилишда, шунингдек, дипломат кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида истиқболли, ўз касбига содиқ ва профессионал ёш кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши кенг кўламли ислоҳотлар ва янгиланишлар муваффақиятининг муҳим шарти экани таъкидланди.

Йиғилишда Ташқи ишлар вазирлиги, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

**ЎзА**

# ОБОД ВА ОЗОД ВАТАНИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНЛАРИ

*(Бошланиши 1-саҳифада)*

Ўтган вақт мобайнида Қуролли Кучларимиз ташкилий ва таркибий жиҳатдан замон талаблари даражасида такомиллашди. Тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, жанговар қобилияти, ҳарбийларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги ошди. Қисм ва бўлинмалар замонавий қурол-яроғ ва жанговар техника билан таъминланди.

Хусусан, 2017 йил Ўзбекистон Қуролли Кучлари тарихига улкан ўзгаришлар йили бўлиб кирди. Янгидан қабул қилинган Мудофаа доктринасида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиқлик тамойили, яқин қўшнилар билан дўстона ва амалий муносабатларни янада ривожлантириш, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида аниқ белгилаб қўйилди. Мамлакатимиз геостратегик жойлашувининг ўзига хослиги, шунингдек, минтақада юзага келаётган ҳарбий-сиёсий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта кўриб чиқилди. Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси тузилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида Қуролли Кучлар академиясининг фаолияти тубдан қайта ташкил этилди. Мудофаа вазирлиги қўшинларини қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва алоқа воситаларининг замонавий турлари билан таъминлаш ишлари янги босқичга кўтарилди.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида таълим олиш учун юксак ақл-заковат ва етакчилик қобилиятига эга бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларнинг муносибларини танлаб олишда талаб оширилди. Ҳарбий академик лицейларни ислоҳ қилиш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 июлдаги фармонига мувофиқ барча академик лицейларга "Темурбеклар мактаби" номи берилди. Мамлакатимиздаги 29 академик лицей ва касб-ҳунар коллежида махсус гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди.

Мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг фаоллигини ва ролини ошириш бўйича ишлар ҳам сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилди. "Миллий армиямиз – бизнинг ифтихоримиз ва ғуруримиз" тамойили асосида ҳудудларда мудофаа соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, армия ва халқнинг якдиллигини таъминлаш мақсадида ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Барчамиз бир фикрни яхши англаб олишимиз керак: эл-юртимизнинг тинчлигини таъминлаш мақсадида бугун мудофаа соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қанчалик самара бериши армия ва халқнинг бирдамлигига боғлиқ».

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 23 августдаги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари ҳузурида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг минтақавий бўлимлари ташкил этилиб, ҳарбий округлар қўмондонлиги билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. Минтақавий бўлинмалар нафақат ҳарбий қисм ва муассасаларда, шу билан бирга, кенг жамоатчилик ўртасида, айниқса, таълим масканлари, маҳалла ва қишлоқларда ёшларимизнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси билан шуғулланмоқда.

Ватан ҳимоячиларининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, резервга бўшатилган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам доимий эътиборда.

Ҳарбий хизматчилар учун янги турар жойлар қуриш, мавжуд турар жой фондини таъмирлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш, узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Янги йил байрами арафасида ҳам мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида ҳарбийлар учун янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Юзлаб ҳарбийларимиз Янги йилни янги уйда кутиб олди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 12 январдаги фармонига мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 26 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари – орден ва медаллар билан тақдирланди. Ушбу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

– Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик халқимизнинг энг катта бойлигидир, – дейди «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби, Қуролли Кучлар академияси кафедраси цикли бошлиғи Муҳиддин Умаров. – Ватанимизнинг юксак мукофоти менга улкан ғурур-ифтихор бағишлайди. Билдирилган ишончни оқлаш, халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги, фарзандларимиз келажагини ҳимоя қилиш учун бор билим ва кучимизни сарфлаймиз.

Тантанали тадбирда ўз хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган олти нафар тинчлик посбонининг оила аъзоларига Президентимиз номидан уй калитлари берилди. Ўз вазифасини намунали бажараётган кўплаб ҳарбий хизматчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

«Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби, подполковник Саиджон Умматов, аскар онаси Шоира Мирзоҳидова, Олимпиада ўйинлари совриндори, йил спортчиси Бектемир Меликўзиев, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар байрам қатнашчиларини Ватан ҳимоячилари куни билан табриклаб, Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевга ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тантанали маросим катта байрам концерти билан якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

# 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

**Бугунги кунда миллий армиямиз минг-минглаб ўғлонларимиз учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабига айлангани, ҳеч шубҳасиз, шу йўлда эришган энг катта ютуғимиздир.**

**Шавкат Мирзиёев**

## ЙИГИТ КЎКСИ ЮРТ УЧУН ҚАЛҚОН

**Алижон САФАРОВ,**
*полковник*

*Президентимизнинг юқоридаги фикрларида ҳозирги кун ҳақиқати мужассам. Истиқлол даврида тўлиқ янги концепция бўйича қайта шакллантирилган мамлакат Қуролли Кучлари бугун янги қиёфада намоён бўлмоқда. Унинг сафидаги ўғлонлар киндик қони тўкилган, ота-боболардан мерос муқаддас замин — она Ватанга садоқат билан хизмат қилаётир.*

Миллий армиямиз юксак маънавий асосда мутлақо янгича, замонавий негизда ташкил этилгани шўролардан қолган асоратларни таг-томири билан йўқотди. Ёш авлод учун ҳаёт мактабига айланишда машаққатли йўлни босиб ўтдик, номаъқул тартиб-интизом, носоғлом муҳитни ўзгартириш учун жуда кўп меҳнат қилинди.

Амалга оширилган изчил ислоҳотлар боласини ҳарбий хизматга жўнатаётган ота-оналарнинг кўнглини хотиржам қилди. Бугун оналар жигарбандини армияга кўзда ёш, юракда хавотир билан эмас, балки ўғлим Ватан ҳимоячиси бўлади, деган юксак ишонч ва фахр туйғуси билан кузатаётгани фикримизни яққол исботлайди.

"Ижтимоий фикр" маркази ўтказган сўров аксарият ота-оналар (респондентларнинг салкам 41 фоизи) фарзанди айнан Ватан олдидаги бурчини адо этиши учун армияга бориш истагида эканини кўрсатди.

Ўша сўровномада ўсмир-йигитлар ҳам иштирок этиб, нақ 91 фоизи юртга қалқон бўлишга шайлиги ҳамда ўқишни тамомлагач, албатта, ҳарбий хизматга боришини билдирган.

Демак, юртдошларимиз миллий армияга ёшларнинг иродасини тоблайдиган, оила ва таълим масканида олиб улгурмаган билим ва тарбияни ўргатадиган, муҳими, Ватани ва халқига садоқатдан сабоқ берадиган улкан ҳаётий мактаб сифатида қарамоқда.

Армия ўсиб келаётган авлодни билим олишга рағбатлантириш билан чекланиб қолмасдан, уларга жамиятда ўз ўрнини топишида кўмаклашиб, аниқ марра ва мақсадларига эришиш йўлида қанот бўлмоқда. Натижада, йигитлик бурчини ўтаган ўғлонлар юрт равнақи ва халқ фаровонлигини кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотларни давом эттиришга қодир асосий куч сифатида майдонга чиқаётир.

Мазкур тенденцияни янада ривожлантириш мақсадида ўтган йили қатор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида барча ҳудудларда "Жасорат" клублари ташкил этилди. Уларга муддатли ҳарбий хизматдан қайтган жисмонан соғлом, ақлан етук ва ижтимоий фаол ёшлар ўз ихтиёрига кўра қабул қилинади. Шу аснода йигитларнинг бандлиги, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги таъминланмоқда.

"Жасорат" клублари аъзолари тенгдошларини маънавий-ахлоқий, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда тарихий хотира, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш учун беминнат хизмат қилаётир. Бунинг самараси ўлароқ, келажак эгалари диний-экстремистик ва бошқа бузғунчи кучлар, "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолишининг олди олинаётгани, айниқса, қувонарли ҳол.

Донолар айтади: "Қай маконники бетаъма, мукофотлар кутмасдан, кимдир мажбур қилмаса ҳам ҳимоя эта бошласангиз, ана шу Ватандир". Ватан ҳимоячилари орасида кўксига мана шу инжа туйғуни жо этганлар бисёр. Демак, эртамиз ишончли қўлларда!



## ШУКРКИ, ҲОЗИР САФДАМАН

**Шоҳрух БОЙБЎТАЕВ,**
*оддий аскар*

*Она диёримиз уфқига мунаввар тонглар эниб, осойишта тунлар чўмиши миллий армиянинг бедорлиги, доимо сергак ва жанговар шай ҳолатда экани билан изоҳланади. Бугун Ўзбекистон Қуролли Кучлари нафақат минтақада, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам ўзининг юксак нуфузи ва ўрнига эгалиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай мустаҳкам қўрғоннинг бир дона ғишти, қудратли армиянинг бир нафар аскари бўлиб яшаш учун ўзбек бўлиб туғилмоқ керак, назаримда.*

Болалигу ўсмирлигим ҳарбий бўлиш орзусида ўтди. Акаларим каби билагию билими зўр аскар бўлиш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш ҳаётим мазмунига айлана борди. Шукрки, ҳозир сафдаман! Армияга келиб, нақадар қудратли юртда яшаётганимни, ҳарбийлар бор экан, ҳеч қандай куч мамлакатимиз тараққиётига ғов бўла олмаслигини теран англаб етдим.

Ҳарбий қасамёддаги ҳолатимни сўз билан ифодалаш қийин. Илк бора эгнимга ҳарбий кийим-бош илганим, ҳарбийча тартиб-интизомда ўтказган илк куним, илк бора жанговар қуролдан ўқ узганим... Ана шу "илк бора"лар умрим ўзанини ўзгартириб юборганидан мамнунман.

Бугун биз, ёшлардан соҳа сир-асрорларини шунчаки ўрганиш эмас, балки бутун жисму жонимизни бахшида этиб хизмат қилиш талаб этилаётир. Ахир, барча шароитларни муҳайё этиб берилаётган бир пайтда жим турсак, ярашмайди.

Куни кеча Президентимиз Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқини барча сафдошлар биргалашиб тингладик. Давлатимиз раҳбари соҳа фаолиятини таҳлил қилар экан, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар айтди. Шунингдек, мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, фахрийларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида алоҳида тўхталиб, бу борада тегишли тавсиялар берди.

Барча эзгу ҳаракатлар яхши ҳаёт кечириб, мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси билан олға интилишимиз учун қилинмоқда. Фарзандлари қадр топаётган юрт равнақи йўлида хизмат қилмасак, хоинлик бўлади.

## ТО ТИРИК ЭКАНМАН...

**Лазизбек ҲАЙДАРОВ,**
*катта сержант,*
*захирадаги ҳарбий хизматчи*

*Ҳарбий хизматда Ватаним сарҳадларини кўздан кечириб, уни қўриқлаш, халқ тинчлигини таъминлаш зиммамдаги шарафли вазифа эканини ҳис қилардим.*

Амаким афғон уруши қатнашчиси эди. Болаликда унинг формасидаги ордену медалларни томоша қилишни яхши кўрардим. Уруш ҳақида гапириб беришни сўрасам: "Урушнинг номи ўчсин! Унинг нималигини ҳеч қачон билманглар", — дерди алам билан. Соғлиғию ёшлигини ҳавога совурган армиядаги йилларини хотирлаш азобли бўлгандир-да...

Собиқ иттифоқ даврида ўзбекистонлик йигитлар Ватанидан йироқда, оғир шароитларда ҳарбий хизматни ўташга мажбур эди. Ота-оналар фарзандини имкон қадар армиядан олиб қолишга ҳаракат қиларди.

Энди вазият тамомила бошқача. Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш нуфузли вазифа ҳисобланади. Аскарларнинг жисмоний тайёргарлиги, ҳарбий ихтисосликлар ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллаши, ижтимоий-сиёсий билими, интеллектуал салоҳияти ҳамда маънавиятини бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий армиямиз ҳаракатчанлик ва жанговар тайёргарлик борасида дунё рейтингида юқори ўринларни банд этгани ҳам ҳақ гап. Шу сабабли яқинларим ҳарбий хизматчи бўлишимга қаршилик кўрсатмади.

Бугун кўпгина соҳалардаги каби мамлакат ҳарбий салоҳиятини юксалтиришда ҳам давлатимиз ёшларга таянмоқда. Ватанимизни мард ва жасур, имони бутун, қалби пок ўғлонларгина ташқи хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қила олади. Бу ишга камарбаста эканимдан ғурурланаман. Бугун она заминни севиш, хавфсизлигини таъминлаш олий саодат эканини теран англадим.

То тирик эканман, Ватанимга садоқат билан хизмат қиламан!

## ПАРВОЗИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

**Шоди ОТАМУРОД**

*Инсон орзулари чексиз. Бу учқур хаёллар осмон қадар бўй чўзади, кўкда эмин-эркин парвоз этади. Болаликдан ҳарбий учувчи бўлишга ҳавас қилган самарқандлик эр йигит — Лочинбек Равшанов мақсади сари олға интилди. Мудом тасаввурида самолётларни абжирлик билан бошқаришни машқ қиларди.*



Ниҳоят, 2002 йилда Лочинбек орзусига етди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга кирди. Беш йиллик таҳсилдан сўнг уни Қўқон шаҳрига ҳарбий қисм взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари сифатида хизматга юбордилар. Ундан кейин Бухоро, Қарши, Тошкент "об-ҳавоси"ни тотди. Мана, ярим йилдирки қаҳрамонимиз қадрдон таълим даргоҳида самарали меҳнат қилиб, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедрасини бошқариб келмоқда. Фахр билан айтиш керакки, ишига ғоятда садоқатли, ҳалол ва ўзига талабчан бу йигит қаерга бормасин, қайси жамоага қўшилмасин, ҳар жойда ҳурмат-эътироф қозона олган.

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида фаолият бошлаган кунданоқ Лочинбек Равшанов ҳамкасблари эътиборига тушди. Ёш педагог-сафдошлари унга бир овоздан ишонч билдириб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси этиб сайлади. Ўтган йили кўпнинг ишончини оқлагани боис, ҳарбий либос кийган етакчи ташкилот тавсияномаси асосида "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Қаҳрамонимиз ҳамиша ёшлар қуршовида. Курсантларга акадек қадрдон бўлиб қолган. Курсантлар билан ҳар кунги мулоқотдан ташқари, Лочинбек олий ҳарбий билим юртига мунтазам уюштириладиган танишув экскурсиялари баҳонасида ўнлаб ўқувчи-ёшлар билан ҳам юзма-юз кўришади.

— Болаларнинг ҳайрат, ҳавас тўла кўзлари, самимий нигоҳларидан куч оламан, — дейди Л.Равшанов. — Уларни ўқув аэродромимиз, қолаверса, аэродинамика ва парвоз динамикаси кафедраси фаолияти, курсантларнинг ётоқхоналарида яратилган шароитлар билан яқиндан таништирамиз. Жанговар самолёт ва вертолётлар ҳақида маълумот берамиз. Ўқувчилар ҳеч бир сўзимизни эътиборидан четда қолдирмай, қунт билан эшитади. Соҳага ҳавас, ҳарбий хизматчи бўлишга иштиёқ, Ватан ҳимоясига шайлик киши қалбида аслида ана шундай онларда куртак ёзади, назаримда. Бугун Қуролли Кучларимизнинг моддий ва маънавий қудрати тобора юксалаётганини инобатга олсак, армия сафига қўшилаётган ҳамда энди қўшилажак ўғлонларни омади чопган инсонлар дейишга тўлиқ ҳақлимиз. Чунки улар йигитлик бурчини кун сайин янгиланаётган, яхшиланиб бораётган шароитларда ўташ имконига эга.

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига қайтамиз. Само сарҳадлари ҳимоясини таъминловчи замонавий формациядаги мутахассис-кадрларни тайёрлайдиган ушбу улуғвор масканнинг ўзига яраша савлати, салобати, жозибаси бор. Бир киришдаёқ ўзига оҳанрабодек тортади. Ўқув хоналари барча қулайликларга эга, ҳарбий ва жисмоний тайёргарликни ошириш учун керакли жиҳозлар муҳайё. Курсантлар ётоқхонасида ҳам, турган гапки, тартиб-интизомга қатъий риоя қилинади. Ювиниш, дам олиш, дарс тайёрлаш, оёқ кийими тозалаш ва қурол сақлаш учун алоҳида хоналар ажратиб қўйилган. Бундай саришталикни кўриб қайси ёш профессионал ҳарбий хизматчи бўлишни хоҳламайди дейсиз.

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти 1994 йилда ҳарбий ҳаво кучлари таркибини чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал етук офицерлар билан бойитиш мақсадида ташкил этилганди. Ўтган йили Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида Президентимиз Шавкат Мирзиёев барча бўғиндаги профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни устувор вазифа сифатида белгилаб берганди. Айни пайтда Жиззахдаги олий ҳарбий авиация билим юрти жамоаси, жумладан, қаҳрамонимиз Лочинбек Равшанов ҳам шу вазифани сидқидилдан адо этишга ҳаракат қилмоқда.

Ватанимиз тинчлиги йўлида хизмат қилаётган ёш авиация мутахассисларига: "Парвозингиз бехатар бўлсин!" деймиз.

# ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН




**А.ТАЙПАТОВ,** *ЎзА мухбири*

***Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.***

Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуида бўлиб ўтган йиғилишда бу борада олиб борилаётган ишлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакилларига маълумот берилди.

Айни пайтда тасдиқланган тадбирлар режасига биноан бутун мамлакатимиз бўйлаб ушбу қутлуғ санага қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, Самарқандда Ислом Каримов хотирасига атаб бунёд этилаётган мақбара мажмуини ва Қарши шаҳрида Ислом Каримов ҳайкалининг очилиши тадбирларини ўтказиш режалаштирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти асарлари кўргазмаси, Биринчи Президентимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш, Ислом Каримов фаолияти солномаси ҳақидаги китоб, «Ислом Каримов — мустақил Ўзбекистон асосчиси» китоб-альбоми, у кишининг китобларини қайта нашр этиш мўлжалланмоқда. Самарқанд шаҳрида «Ислом Каримов — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асосчиси» мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилади.

Таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда Биринчи Президентимизнинг таваллуд кунига бағишланган хотира кечалари ва учрашувлар, маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказилиб, уларга таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, илғор тадбиркор ва фермерлар таклиф қилинади. Ёшлар ўртасида «Менинг Биринчи Президентим» шиори остида хотира акцияси уюштирилади.

Шу кунларда «Ислом Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола» танлови ғолибларини аниқлаш ишлари бормоқда. Алоҳида қайд этиш керакки, танловга ҳатто уй бекалари, оддий ишчилар, мактаб ўқувчилари ҳам ўз ижодий ишларини юборган. Бу Биринчи Президентимиз бутун халқимизнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлганини кўрсатади.

Оқсарой қароргоҳида ташкил этилган Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мажмуа томонидан ҳам ушбу санага қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу ерда музей, кутубхона, архив, экспомарказ - кўргазмалар зали ташкил этилмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими битирувчи ўқувчилари иштирокида Ислом Каримов стипендияси совриндорлари билан учрашувлар, суҳбатлар, очиқ машғулотлар ўтказиш бўйича режалар белгиланган.

# НАВБАТДАГИ ЙЎНАЛИШ – ЕВРОПА

***Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси Германия Федератив Республикасига хизмат сафарини бошлади.***




**Н.БАҲОДИРОВА**

Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, ташкилот муассислигидаги оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ҳамда халқаро коммуникация соҳаси мутахассисларидан иборат делегация аъзолари Европада етти кун бўлади.

Ташриф чоғида вакилларимиз Берлин, Дрезден, Франкфурт, Эрфурт шаҳарларидаги бир қатор нашрлар, телеканаллар, шунингдек, ёшлар масалалари билан шуғулланувчи федерал идора ва ташкилотлар, олий ўқув юртлари фаолияти билан танишади. Нуфузли доирадаги бир қатор учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган. Шулардан бири мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонасида бўлиб ўтади.

Делегация аъзоларининг Германияда ўқиётган ва меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёшлар анжуманида иштирок этиши ҳам кутилмоқда. Мазкур тадбирга юз нафардан зиёд тенгдошимиз таклиф этилган. Якунда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Европа Иттифоқидаги илк бошланғич ташкилотини очиш мақсад қилинди.

Кеча делегатлар Германия биринчи телеканали — ARDнинг Берлиндаги бош студиясида бўлиб, таҳририятдаги қизғин иш жараёни билан танишди. Хусусан, мамлакатда ҳукуматни шакллантириш билан боғлиқ партиялараро музокаралар якуни юзасидан тайёрланган кўрсатувнинг монтаж жараёнини кузатди. Студиянинг сиёсий шарҳловчиси Робин Лаутенбах билан жонли суҳбат бўлиб ўтди.

Шундан сўнг, делегациямизни Германиянинг оила, кексалар, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари вазирлигининг Европа ва халқаро ёшлар сиёсати бўлими бошлиғи Андреа Балбах хоним қабул қилди. Мулоқот чоғида мезбон немис ёшларининг ижтимоий фаоллигини оширишга доир миллий ва маҳаллий ёндашувлар, таълим тизимининг ўзига хослиги ҳамда жамият ҳаётига интеграцияси хусусида маълумот берди. Ёшлар билан ишлаш, бу борада махсус тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Кун давомида ўзбекистонлик меҳмонлар учун Германия техник кўмаклашиш федерал идорасининг Берлиндаги ёшлар уюшмаси, шунингдек, Федерал ёшлар кенгашида учрашувлар ташкил қилинди.

Бугун Берлинда Ўзбекистон ёшларининг биринчи анжуманига старт берилади. 16 январь куни делегациямиз аъзолари Дрезден шаҳрига учиб кетади.



VATAN HIMOYASI — MUQADDAS BURCH

# РУҲИМИЗ БАЛАНД

***Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Мудофаа вазирлиги билан биргаликда республика бўйлаб "Армия ва ёшлар" фестивалини ташкил этди.***

**Қашқадарё** вилояти ҳокимлиги, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан уюштирилган тадбирда ҳарбий техникалар карвони Қарши кўчалари бўйлаб ҳаракатланди.

Қуролли Кучларимиз арсеналидаги махсус техника ва қурол-яроғлар намойишига кенг жамоатчилик баробарида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг махсус гуруҳ ўқувчилари ҳам жалб этилди.

— Бугун миллий армиямизнинг жанговар ҳолати ҳақида тасаввурга эга бўлдим, — дейди Мактуба Орифжонова. — Ўғлимнинг қанчалик шодланганини кўрсангиз эди. Аскар акаларига ростмана ҳавас қилди. Мақсади теранлашди — энди у десантчи бўлмоқчи. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаётган барча жонкуяр ўғлонларни касб байрами билан муборакбод этаман. Доимо омон бўлинглар!



**Сирдарё**да амалга оширилган лойиҳа унутилмас онларга бой бўлди. Тадбир Гулистон шаҳридаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйиш маросими билан бошланди.

Шундан сўнг "Буюк келажак" маҳалласида ҳарбий хизматчилар учун қуриб битказилган жами иккита уй фойдаланишга топширилди. Бу ҳодиса янги хонадонлар соҳиблари кўнглини тоғдек кўтариб, қўшалоқ байрамга айланиб кетди.

Фестиваль давомида вилоят марказида оркестр садолари остида офицер, сержант ва аскарларнинг ҳарбий марши бўлиб ўтди. Замонавий қурол-яроғ, ҳарбий техникалар намойиши иштирокчиларга бир олам қувонч ҳадя этди.

Кун охирида байрам шукуҳи "Наврўз" тантаналар мажмуасига кўчди. Ватан олдидаги бурчини сидқидилдан адо этаётган бир гуруҳ ҳарбийларга вилоят ҳокимлиги ҳамда Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлигининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.



**Тошкент** шаҳридаги "Наврўз" боғида ўтказилган фестивални томоша қилиш учун каттаю кичик юзлаб инсонлар тўпланди.

Ҳарбий қисм аскар ва зобитларининг кун бўйи давом этган жанговар чиқишлари, вертолётлар парвози ва ҳарбий марш, махсус техникалар намойиши ёшларда катта таассурот қолдирди.

Бундан ташқари соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида марафон мусобақаси ўтказилди.

Қуролли Кучлар Марказий ҳамда Ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамбллари иштирокидаги концерт дастури байрамона кайфиятни янада кўтариб юборди. Концертда эстрада хонандалари ҳам мусиқий туҳфаларини тақдим этди.

**Мухбирларимиз**

## "ШОҲ ВА ШОИР МЕРОСИ" ВИКТОРИНАСИ



**"Ҳумоюннома" асарининг настаълиқ хати билан битилган ягона нусхаси дунёдаги қайси музейда сақланади?**

Жавоблар 17 январгача қабул қилинади.

**yoshlarovozi@umail.uz**

**@yoshlar_ovoziuz**

**3-сонда эълон қилинган викторина саволнинг жавоби қуйидагича:**

Ғарбий Европада дастлаб "Бобурнома" асари оммалашгани туфайли қитъа, хусусан, германиялик олимлар Алишер Навоийни Мирзо Бобур орқали танишган.

**Тўғри жавобни Низомжон ИСЛОМОВ йўллади.**

# МАЙДОНДА АСКАРЛАР САФ ТОРТДИ

**Қумар БЕГНИЯЗОВА**

***Нукус**да "Ватан ҳимояси – муқаддас бурч" шиори остида ҳарбий сафарбарлик намойиши ўтказилди. Тадбирда ҳарбийлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Темир йўл вокзалидан бошланган намойиш Ислом Каримов кўчаси бўйлаб Мустақиллик майдонигача давом этди.*

Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида сўз борди. Танклар, ҳарбийларнинг чиқишлари, сафарбарлик тайёргарлиги ва дала машғулотлари тақдимоти меҳмонларда ўзгача таассурот қолдирди. Армиямиз замонавийлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилинди.

Ҳарбий оркестр мусиқаси остида Ватан ҳимоячиларининг бир текисда саф торгани йиғилганларга қувонч улашди.

— Қуролли Кучларимиз таркиби мустаҳкамланмоқда, — дейди майор Ойбек Мамадалиев. — Кадрларга эътибор кучайган. Куни кеча Президентимиз Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмга борганида соҳа истиқболлари билан яқиндан танишиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар бергани айни муддао. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг ўзи ҳарбий қудратимиздан далолат беради. Бугунги байрам баҳонасида аскарларнинг жанговар салоҳиятини халқимизга кўрсатдик.

Тадбир доирасида Ўзбекистон бадиий академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлимида махсус кўргазма ҳам очилди. Экспозицияда 50 нафар ёш рассомнинг ижодий ишлари ўрин олган. 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари — З.Тангирбергеновнинг "Ватанни ҳимоя қиламан", М.Кенгесбаевнинг "Аскар машғулоти" номли картиналари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

**Бекзод ҚОДИРОВ**

# МАҲОРАТИГА ТАСАННО!



"Ўзметкомбинат" акциядорлик жамиятидаги Ёшлар иттифоқи етакчилар кенгаши ташаббуси билан **Бекобод** шаҳридаги ҳарбий қисмда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган маърифий тадбир ташкил этилди.

Экскурсия жараёнида комбинат ёшлари аскарларга яратиб берилган шароитлар, жанговар тайёргарликни ошириш учун ўтиладиган ўқув машқ ва машғулотлари, ҳарбий алоқа ҳамда техника воситаларидан қандай фойдаланиши хусусида билиб олди. Мезбонлар кўргазмали чиқишларини ҳам ҳавола этди.

Намойиш иштирокчиларни қойил қолдирди. Улар бой таассуротлар билан иш жойига қайтди.

**Фарҳод ҚЎЗИЕВ**

*Ватан ҳимоячилари куни олдидан барча ҳудудларда "Аскар оналарини шарафлаймиз!" лойиҳаси амалга оширилди.*

# ОНАЛАРГА ЭҲТИРОМ

**Жиззах**даги ана шундай тадбирга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа масъул ташкилотлар бош-қош бўлди.

Унда Ватан ҳимоясидек шарафли вазифани ўз зиммасига олган ўғлонларни вояга етказган оналарга эҳтиром кўрсатилди. Матлуба Хўжамқулова Қашқадарё вилояти Нишон туманидан. Унинг дилбанди Жиззах вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилмоқда.

— Халқ тинчлиги учун хизмат қилаётган йигитлар сафида фарзандим борлигидан хурсандман, — дейди М. Хўжамқулова. — Аввалига унинг ҳарбий бўлишига қаршилик қилдим, онаман-да. Энди эса, аксинча, ўғлим ва сафдошлари сабаб туну кун хотиржам яшаётганимизни ҳис этиб қувонаман.

**Андижон** вилояти мусиқали драма ва комедия театрида ўтказилган тадбир ҳам ёдда қоладиган бўлди.

— Ўғлим Тошкент шаҳрида йигитлик бурчини ўтамоқда, — дейди шаҳрихонлик Зиёда Турсуналиева. — Бугунги тадбирда ҳарбийларимизга яратилган шароитлар, имтиёз ва имкониятлардан бохабар бўлиб, жуда севиндим. Кўрсатилган эҳтиромдан бошим кўкка етди. Оналарни, Ватан ҳимоячиларини эъзозлаган озод ва обод юртимиз ҳамиша тинч бўлсин!

Якунда аскар оналарига эсдалик совғалар топширилди. Хонанда ва созандалар ижро этган куй-қўшиқлар барчага байрамона кайфият улашди.

# УНСИЗ ИФОДАЛАР

**Ж.ЭРКИНОВ** *фотолавҳаси.*

*Тошкент Фотосуратлар уйи санъатсеварлар эътиборига ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги фото, рангтасвир, миниатюра ҳамда ҳайкалтарошлик асарлари экспозициясини тақдим этди.*





"Менинг армиям — менинг фахрим" деб номланган ижодий кўрик-танлов доирасида ташкил этган кўргазма орқали 35 нафардан зиёд ижодкорнинг 130 га яқин иши билан танишиш мумкин. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Бадиий академия ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Якунда профессионал рассом ва фотографлар орасидан уч йўналиш бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланади.

# BILIMDONLIK MASHQLARI




**MUAMMONOMA.** Shaklning yuqori qismi tomonlaridagi raqamlarda O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasidagi fuqarolarning harbiy burchiga oid moddadan parcha bayon etilgan. Uni quyidagi kalit so'zlar javoblari asosida bilib oling.

**1.** Harbiy okrug joylashgan janubiy viloyat markazi — **16, 15, 2, 19, 1, 11.**

**2.** Harbiy qismlarni boshqaruvchi asosiy organ — **22, 16, 3, 5.**

**3.** Qurolli Kuchlar majmui, askar — **21, 13, 22, 1, 4.**

**4.** Harbiy mashq, qurollar sinovi o'tkazish maydoni — **17, 8, 12, 1, 10, 8, 4.**

**5.** Jang va harbiy operatsiyalar o'tkazish rejasi — **7, 16, 2, 3, 16, 15, 10, 1, 20.**

**6.** Harbiy dengiz kemalarining katta qo'shilmasi — **23, 12, 8, 16.**

**7.** Ma'lum chegara bilan o'ralgan maydon - **9, 18, 14, 18, 14.**

**8.** Jismoniy energiya, quvvat — **6, 18, 24.**

**KROSSVORD.**

**Diagonal bo'yicha o'ngga:** 1. Dushman va uning qo'shinlari, ularning kuchi, joylashishi to'g'risida ma'lumotlar to'plash uchun ayrim harbiy guruhlar tomonidan olib boriladigan tezkor harakat. 3. Yirik harbiy qism yoki qo'shin boshlig'i. 8. Dushmandan saqlanish uchun bunyod etilgan mustahkam mudofaa vositalari majmui. 10. Zirh bilan qoplangan, gusenisali harbiy texnika. 28. Davlatning barcha qurolli kuchlari majmui.

**Diagonal bo'yicha chapga:** 2. Davlatning harbiy ishlar bo'yicha asosiy siyosiy nuqtayi nazari, dasturi. 3. Shijoati, dovyurakligi, botirligi bilan shuhrat qozongan, mardlik ko'rsatgan inson. 8. Yuqori darajadagi ijodiy qobiliyat, layoqat.

**Eniga:** 4. Maqoldan: «... maydonda sinaladi». 5. Vatan himoyachisi, harbiy xizmatchi. 9. Avtomat qurolning patron joylashadigan, aylana shaklidagi o'qdoni. 21. O'zgalardan mahfiy tutiladigan ma'lumot.

**Bo'yiga:** 6. O'qotar qurollar milining o'lchovi. 7. Uzoqdagi samolyot, kemalarning qayerdaligini aniqlovchi asbob. 10. Vatanimiz harbiy okrugi joylashgan markazlardan biri. 11. Maqoldan: «... sinovda chiniqadi.» 12. Nishonga bexato o'q uzish mahorati. 20. Harbiy bilim yurti talabasi. 28. Turli mudofaa istehkomlarida to'p, pulemyot og'zini chiqarib o't ochish, uchun qo'yilgan tuynuk, shinak. 29. Suv havzasi yuzasining bir qismi. 30. O'zini har qanday sharoitga bardoshli bo'lish qobiliyatini oshirish harakati. 31. Harbiy qismlarni boshqaruvchi asosiy organ.

**Yoylar bo'yicha:** 12. Harbiy mahoratni egallash maqsadida bajariladigan sinov, tayyorgarlik mashg'ulotlari. 13. Jangchining tanasini tig'li qurollar zarbidan himoya qiluvchi moslama. 20. Qurollantirilgan tezyurar katta harbiy kema. 22. Harbiy xizmatchining o'zidan yuqori unvonli harbiy boshliqqa ma'lum topshiriq ijro etilganligi haqidagi hisoboti.

**Harflar bo'yicha «zanjir» holida:** 14. To'p, minomyot va shu kabi otish qurollari bilan qurollangan qo'shin turi. 15. Havoda yengil uchish qurilmasi, havo shari. 16. Jangga tayyorgarlik ko'rish va jang olib borish san'ati. 17. Havo transporti vositasi. 18. Xaritadan va kompasdan foydalanib aniqlanadigan eng qisqa yo'nalish. 19. Suyuq yoqilg'ilar tashiladigan maxsus kema. 23. Miltiqning barcha qismlarini tutib turuvchi va otganda yelkaga tirab turiladigan qismi. 24. Qadimiy tig'li qurol. 25. Qo'shni davlatlarning suvdagi va quruqlikdagi hududini ajratib turuvchi chiziq, qo'riqlanadigan joy. 26. Mislsiz talofatlar keltirib chiqaruvchi qurol, bomba. 27. Qo'ndoq va uzun stvoldan iborat o'qotar qurol.

**Kamola TOSHXO'JAYEVA tuzdi.**

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – *бош муҳаррир ўринбосари* ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — *бош муҳаррир ўринбосари* ("Молодежь Узбекистана"); Санжар Исматов – *масъул котиб* ("Yoshlar ovozi"); Елена Калинина – *масъул котиб* ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович

Навбатчи
Тўмарис Бутунбоева

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-136.
Адади — 24352

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.10
ЎзА якуни — 23.50

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5